



МАМЛАКАТИМИЗ МИНТАҚАЛАРИ БЎЙИЧА ТУРИСТИК ЭКСКУРСИОН
ХИЗМАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Рахимов Хасан Абдусайтови

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича туристик экскурсион хизматларнинг ривожланиш таҳлили қилинган ва уларнинг ривожланиш тенденцияси келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: туризм, меҳмонхона хўжалиги, аҳоли бандлиги, ялти ички маҳсулот, соҳа, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, эҳтиёж, ижтимоий соҳа, меҳмондўстлик, туристик хизматлар.

Меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жаҳон амалиётидан маълумки, туризмни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига, аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли маданиятининг юксалишига олиб келади⁷³.

Ўзбекистонда минтақалар бўйича туристик хизматларни кўрсатиш маълум харажатларни талаб қилади. Уларнинг таркибида меҳмонхона харажатларининг салмоғи юқори эканлигини кўриш мумкин (1.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича туристик экскурсион хизматларнинг ривожланиш ҳолатига баҳо бериш учун етарли ахборотларни кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз миқёсида туристик хизматларни кўрсатиш 2007-2011 йиллар мобайнида асосан бажарилиб келинган. Аммо 2010 йилда мазкур хизматни кўпайтириш 127,5 % режалаштирилган эди. Аммо ушбу кўрсаткич 110,6 %га бажарилди. Бундай ўсиш тенденциясига шу йилларда давом этган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг навбатдаги тўлқини таъсир кўрсатди. Чунки мамлакатимизга туристларнинг келиши бир мунча сусайган эди. Худди шундай ҳолат жуда кўп вилоятларда ҳам содир бўлди. Фақат Қароқалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида кўзда тутилган режадан ошириброқ ўсганлигини кузатиш мумкин. Туристлик экскурсион хизматлар бўйича белгиланган режалар республика миқёсида бажарилган бўлсада, кўпгина вилоятларда (Бухоро, Сирдарё, Хоразм каби вилоятларда) тизимли равишда бажарилмасдан келинди. Булардан кўриниб турибдики, туристик хизматларни ҳар бир ҳудуднинг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш лозим бўлади.

⁷³ Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.



1- жадвал

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича туристик
экскурсион хизматларнинг ривожланиш ҳолати (солиштирма нархларда)⁷⁴**

Ўтган йилга нисбатан фоизда

№	Минтақа-лар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши									
		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
	Ўз. Рес.	119,3	122,3	121,3	126,3	123,4	130,4	127,5	110,6	117,7	127,3
	Жумладан:										
1.	Қорақ.Рес.	109,1	129,3	110,5	167,1	111,3	126,7	113,5	125	105,3	205,6
2.	Андижон вилояти	115,6	483,6	118	138,1	119,5	128,8	120	132	116,5	105,3
3.	Бухоро вилояти	119	118,7	120	127,2	120,2	101,2	128	105	108,0	103,2
4.	Жиззах вилояти	118	218,2	118,5	177,4	120	106,2	122	125	104,0	71,3
5.	Қашқадарё вилояти	118	123,4	119,5	126	124	116,3	130	130	112,0	112,3
6.	Навоий вилояти	122	170,5	123,5	139,1	124	130,7	125	107	105,0	109,0
7.	Наманган вилояти	115	117,7	118	0	122	127,6	125	115	103,0	119,2
8.	Самарқанд вилояти	118	128	122	158,4	125	141,8	129	103	112,0	112,0
9.	Сурхондарё вилояти	116	226,6	116,5	125	118	175,2	120	115	112,0	105,6
10.	Сирдарё вилояти	110	18,3	120	0	130,5	113,1	135	2,6	-	-
11.	Тошкент вилояти	120	127	122	177,4	123,5	191	125	140	108,0	122,3
12.	Фарғона вилояти	118	118,1	119,5	113,2	122	123	123	103	105,0	105,3
13.	Хоразм вилояти	115	126,2	120	200	121,1	105,1	130	105	105,4	112,4
14.	Тошкент шаҳри	121	124,4	122	118,3	123,5	135,3	128	115	120,5	136,7

⁷⁴ “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг можлисида сўзлаган нутқини ўрганиш бўйича мажмуанинг муаллифлари томонидан ҳисоб-китоб қилинган.



Шуни эътироф этиш керакки, туризмни ривожлантириш учун мамлакатимизда ва унинг ҳар бир худудий бўлинмаларида Давлат дастури ишлаб чиқилган эди. Жуда катта мазкур дастурларда кўзда тутилган параметрларни бажариш қаратилган. Булар билан соҳага ойда барча давлат ва нодавлат ташкилотлари шуғулланиб келмоқда⁷⁵. Шу туфайли, туристик экскурсион хизматларнинг ривожланиш тенденциясида ҳам ижобий силжишлар рўй бермоқда. Мазкур хизмат турлари ҳам келажакда жадал ривожланади. Чунки, мазкур соҳага берилган катта эътибор туфайли тегишли инфратузилма яратилди ва у такомиллаштирилмоқда. Буларнинг барчаси келажакда туризмнинг ривожланиши таъминлайдиган катта имконият бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон учун ушбу соҳани ривожлантиришнинг яна бир муҳим томони шундаки, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида ишсиз аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади⁷⁶.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг можлисида сўзлаган нутқи
2. Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.
3. Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 43-45.
4. Ortikniyozovich F. U. The role of health in improving the living standards and welfare of the population //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 401-405.

⁷⁵Ortikniyozovich F. U. The role of health in improving the living standards and welfare of the population //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 401-405.

⁷⁶Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 43-45.